



“ 29 ” апрель 20 19 у № 17

**Оилалар ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни
шакллантириш бўйича Тартибни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон Қарорига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Оилалар ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни шакллантириш бўйича Тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор 2019 йил 1 майдан кучга киради.

Раис

A handwritten signature in black ink, appearing to be the name of the official.

Б.Бегалов

Оилалар ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни шакллантириш бўйича Тартиб

Оилалар ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни шакллантириш бўйича Тартиб (кейинги ўринларда – Тартиб) оилалар тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш тартибини белгилайди ва давлат статистика органларида оилаларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

оила – никоҳ ёки қариндошлик муносабатларига асосланган, умумий ҳаёт ва ўзаро масъулият орқали боғланган кишилар бирлашмаси;

уй хўжалиги – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда, уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас;

аҳолининг умумий даромадлари - пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлари киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади;

уй хўжалигининг пул харажатлари – истеъмол ва ноистеъмол харажатлардан таркиб топади. Ўз навбатида, уй хўжалигининг истеъмол харажатлари, истеъмол товарлари ва хизматларини харид қилишга (яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, уйдан ташқарида овқатланишга, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга ва пуллик хизматларга) йўналтирилган харажатларни ўз ичига олади. Ноистеъмол харажатларга солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги харажатлар киради;

уй хўжаликларида аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли - уй хўжалигида истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари умумий ҳажмининг (умумий овқатланишни ҳисобга олмаган ҳолда) уй хўжалигида ҳақиқатда истеъмол қилувчиларга нисбати ҳисобланади. Истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий ҳажмига сотиб олинган ва уй хўжалигига тўловсиз келиб тушган (шахсий ёрдамчи хўжалигидан, совғага) шахсий истеъмол учун сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори киради;